

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг
2021 йил “ 30 ” июлдаги 28-сон қарорига
ИЛОВА

Саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми қийматини
баҳолаш бўйича услубий низом

Ушбу Услубий низом саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми тўғрисидаги статистик маълумотларнинг шаклланиш тартибини белгилайди (товарлар, ишлар, хизматлар) ва давлат статистика органлари томонидан саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми бўйича статистик маълумотларни шакллантиришда фойдаланиш учун мўлжалланган.

Услубий низомни тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг саноат маҳсулоти ишлаб чиқарувчи ташкилотлар фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, МХТ-2008 таърифлари ва МДХ давлатлари тажрибаларидан фойдаланилди.

I. Умумий тушунчалар

1. Ушбу Услубий низомда қуйидаги асосий тушунча ва таърифлардан фойдаланилади:

ишлаб чиқариш – фаолият натижасида маҳсулот келиб чиқиши;

ярим тайёр маҳсулот – истеъмол учун тайёр бўлмаган ва келгусида ишлов бериш талаб қилинадиган, қисман ишлов берилган маҳсулот;

буюртмачи томонидан берилган хом–ашё – тузилган шартномалар асосида қайта ишлаб, ундан маҳсулот ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқарувчиларга берилган буюртмачининг хом-ашёси;

ишлаб чиқарилиши узоқ даврни талаб этадиган маҳсулот – буюртмачи билан бажариладиган ҳисоб-китоблар алоҳида тўлов асосида амалга ошириладиган, ишлаб чиқариш даври ҳисобот давридан узоқ бўлган маҳсулот;

тайёр маҳсулот – сотиш учун мўлжалланган ва шартномада ёки бошқа ҳужжатларнинг талабларида кўзда тутилган техник ҳамда сифат тавсифларига мувофиқ келадиган, ташкилотнинг ишлаб чиқариш циклининг пировард натижаси бўлган товар (хизмат).

II. Саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмининг статистик ҳисоби

2. Саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми қуйидагиларнинг саноат фаолиятларини ўз ичига олади:

а) тижорат ташкилотлари (кичик корхона ва микрофирмалардан ташқари);

б) кичик корхоналар ва микрофирмалар;

в) қишлоқ хўжалигида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ташкилотлар;

г) уй хўжаликларининг сотиш ҳамда ўз истеъмоли учун ишлаб чиқариш фаолияти.

3. Ишлаб чиқарилган саноат ҳажмига қуйидагиларнинг қиймати қўшилади:

а) ҳисобот даврида буюртмачининг, шунингдек ташкилотнинг ўз хом–ашё ва материалларидан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар;

б) ҳисобот даврида четга сотилган, ўзининг капитал қурилиши ва ўз ташкилотининг носаноат бўлинмаларига берилган ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар;

в) ҳисобот даврида ишлаб чиқарилиши тугатилмаган, ишлаб чиқарилиши узок даврни талаб этадиган маҳсулотлар (буюмлар)ни тайёрлаш бўйича ишлар;

г) ташқи буюртма асосида, ўзининг капитал қурилиши ва ўзининг носаноат бўлинмалари учун саноат хусусиятига эга бўлган бажарилган ишлар (хизматлар), шунингдек, ўзининг ишлаб чиқариш воситалари ва жиҳозларини модернизациялаш ҳамда реконструкция қилиш бўйича бажарилган ишлар.

4. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми тўғрисидаги маълумотларни маҳсулот турлари бўйича шакллантириш Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичи (O'zDSt 2914:2014) кодларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Буларга тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш, ишлаб чиқарувчи саноат маҳсулотлари, электр энергияси, газ, буғ ва кондицияланган ҳаво, сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва қайта фойдаланиш бўйича хизматлар (B, C, D, E секциялари) киради.

5. Умумэътироф этилган халқаро кўрсатмаларга риоя этишни таъминлаш мақсадида, саноат ишлаб чиқариш кўрсаткичларини шакллантириш учун қуйидагиларга эътибор қаратадилар:

а) ишлаб чиқарилган маҳсулот қабул қилиш актлари билан расмийлаштирилган ва тайёр маҳсулот омборига, буюртмачига ҳисобот даври охириг кунининг маҳаллий вақт билан соат 24:00 гача топширилган ёки юклаб жўнатилган тақдирда, у ҳисобот давридаги тайёр маҳсулот ҳажми таркибида ҳисобга олинади. Агар ташкилотда тайёр маҳсулотларни сақлаш омбори мавжуд бўлмаса, у ҳолда маҳсулот буюртмачига юклаб жўнатилган вақти бўйича ишлаб чиқариш ҳажмига қўшилади;

б) иш тартиби икки сменали ташкилотлар учун, агар иккинчи смена соат 24:00дан кейин тугаса, шунингдек ташкилотнинг иш тартиби уч сменали бўлиб, график бўйича биринчи смена эрталабки смена бўлиб ҳисобланса, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳисобот оғи учун тайёр маҳсулот ҳажми таркибида ҳисобот давридан кейинги оғ биринчи санасининг эрталабки соат 8:00гача ишлаб чиқарилган, ўрнатилган равишда қабул қилинган ва омборга, буюртмачига топширилган ёки орғиб жўнатилган ва тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган бўлса ҳисобга олинади;

в) агар шартномада, етказиб бериш шартларида маҳсулотни буюртмачи вакили томонидан ишлаб чиқарувчи ҳудудида қабул қилиш назарда тутилган бўлса, маҳсулот буюртмачининг вакили томонидан қабул қилинган ва тегишли қабул актлари билан расмийлаштирилгандан сўнг тайёр маҳсулот бўлиб ҳисобланади;

г) ташкилотнинг ўз ички эҳтиёжлари учун ишлаб чиқарган ва асосий воситалар ҳисобига киритилган жиҳозлар, асбоб–ускуналар ва мосламаларининг қиймати, улар асосий воситалар ҳисобига киритилган вақти бўйича саноат ишлаб чиқариш ҳажмига ва натура кўринишида ишлаб чиқарилган маҳсулот тўғрисидаги маълумотларга киритилади;

д) саноат тусига эга бўлган ишлар (хизматлар), тўлиқ бажарилгандан ва буюртмачи томонидан қабул қилиш тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилгандан сўнг, уларнинг қийматига, буюртмачи томонидан ишлов бериш, таъмирлаш, маҳсулотни тўлиқ

кўринишга келтириш учун берилган қисмлар (деталлар), буюмлар, материаллар, узеллар, эҳтиёт қисмлари қийматисиз, бажарувчи томонидан сарфланган ўз материаллари, узеллари, деталлари ва эҳтиёт қисмлар қийматини қўшган ҳолда, саноат ишлаб чиқариши ҳажмига киритилади;

е) қора, рангли ва қимматбаҳо металл парчалари ва чиқиндиларини зарурий стандартларга жавоб беришини таъминлаган ҳолда металлургик эритишга тайёрлаб, бошқа ташкилотларга металлургик қайта ишлаш учун юбориш ишларини амалга оширувчи ташкилотлар, саноат маҳсулоти ҳажмига ушбу металл парчалари ва чиқиндиларнинг қийматини киритадилар;

ж) экспортга мўлжалланган маҳсулотнинг амалдаги нархлардаги қиймати, саноат ишлаб чиқариш ҳажмларидан келиб чиқиб, уни юклаб жўнатиш санасига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг сўмга қайта ҳисобланган курси бўйича миллий валютада, шартномада кўрсатилган нархларда аниқланади. Бунда, ҚҚС, акциз, божхона йиғимлари, республика ҳудудида экспорт пунктигача бўлган транспорт харажатлари чиқариб ташланади;

з) агар маҳсулот, буюртмачининг ишлаб чиқарувчи ташкилот томонидан сотиб олинмаган хом-ашё ва материалларидан (буюртмачи берган хом-ашё) тайёрланган бўлса, унда амалдаги нархлардаги саноат маҳсулоти ҳажмига, хом-ашё ва материалларнинг қийматини қўшмаган ҳолда, фақат ушбу хом – ашёни қайта ишлаш бўйича хизматлар қиймати киритилади;

и) саноат ишлаб чиқариш ҳажмига, тузилган шартномалар асосида буюртмачилар билан алоҳида босқичларда ҳисобланадиган, ишлаб чиқарилиши узоқ даврни талаб этадиган маҳсулот, буюртмачи томонидан белгиланган тартибдаги босқичларда қабул қилинган қиймат бўйича киритилади.

6. Саноат тусидаги ишлар ва хизматларга маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича алоҳида операциялар, материаллар ва хом-ашёни қайта ишлаш, ўрнатилган технологик жараёнларга риоя этишни назорат қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичи В, С, Д, Е секцияларига киритилган бошқа ишлар ва хизматлар киради.

7. Асосий саноат ишлаб чиқариш жараёни давомида қўшимча равишда ҳосил бўладиган ва ташкилот томонидан кейинчалик ишлов берилмасдан сотиладиган маҳсулотлар (масалан, олтингугуртли рух оксиди, бутил спирти, натрий сульфат, коксли газ, домна қотишмаси, домна газ, техник ва экиладиган пахта чигити, пахта линти, пахта заводларнинг момик ва улюк аралашган чиқиндилари, тери ва қўй терисига ишлов беришдан олинмаган жун ва дағал жунлар, терилар, қайта ишланмаган хомаки мойлар, чорва туёқ ва шохлари, кунжара, барда (пиво ва ароқ қуйқаси), кепак, ёғи олинган сут, айрон, зардоб, шулха, меласса ва бошқа маҳсулотлар) чиқинди бўлиб ҳисобланмайди ва саноат ишлаб чиқариш таркибига киритилади.

8. Қуйидагилар саноат ишлаб чиқариш ҳажмига киритилмайди:

а) тўлиқ комплектланмаган ва яроқсиз деб топилган маҳсулотлар ҳамда ярим тайёр маҳсулотлар қиймати;

б) сотиб олинган ва қайта ишлов берилмасдан, қайта ишланмасдан четга сотилган материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар ва буюмлар (хатто сотиш олдидан буюмлар

сифатини текшириш, саралаш, қадоқлаш ва бошқа шу каби тадбирлар амалга оширилса ҳам), шунингдек, сотиб олиниб четга сотилган электроэнергия, сув, буғ, газ қиймати;

в) бошланғич хом-ашё қолдиқларидан ташкил топган ишлаб чиқариш чиқиндилари (қиринди, қийқимлар ва бошқалар), шунингдек лахтақлар, мато четлари ва шу кабиларнинг қиймати.

Агар саноат чиқиндилари сотилса ва бунда уларни сотиш учун олдиндан ювиб тозалаш, саралаш, қадоқлаш ва бошқа жараёнлар амалга оширилса, у ҳолда саноат ишлаб чиқариш ҳажмига, чиқиндиларни сотишга тайёрлаш учун фақат ўз кучи билан бажарилган ишлар қиймати киритилади;

г) ташкилот томонидан ишлаб чиқарилган носаноат маҳсулотининг қиймати;

д) ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар ва буюмларни кафолатли таъмирлаш ҳамда хизмат кўрсатиш, шунингдек ушбу мақсадлар учун берилган ўзи ишлаб чиқарган тайёр маҳсулотлар ва эҳтиёт қисмлар қиймати;

е) ижодий фаолиятга оид ишлар қиймати (рассомлар томонидан бажарилган расмлар, ҳайкаллар, графика, йирик санъат асарлари ва амалий санъат намуналарининг асл нусхалари, расмлар, плакатларнинг нусхалари ва шу кабилар), шунингдек бадиий безак ишларининг барча турлари (безаш лойиҳалари ва музейлар, витриналар, стендлар, рекламалар ва бошқаларни безаш ишлари).

9. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми, ўзининг саноат-ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ишлатилган, ушбу ташкилот ичида фойдаланадиган ўзи ишлаб чиқарган тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар қийматини (асосий воситалар таркибида ҳисобга қўйилган маҳсулотлардан ташқари) ҳисобга олмаган ҳолда аниқланади.

10. Амалдаги нархлардаги маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажми, тегишли йилнинг ҳисобот даврида амалда бўлган ташкилот нархларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади. Бунда, белгиланган тартибга мувофиқ келишилган нарх ва тарифларда сотилаётган маҳсулотлар, ишлаб чиқариш ҳажмига келишилган улгуржи нархларда ҳисобланиб киритилади. Ҳисобот йилида нархлар ўзгарганда ўтган йил нархлари қайта ҳисобланмайди.

11. Келишилган нархларда сотилаётган маҳсулот, ҚҚС ва акцизларни чиқариб ташлаган ҳолда, сотиш нархларида ишлаб чиқариш ҳажмига қўшилади.

Агар, муайян бир даврда ишлаб чиқарилган маҳсулот сотилмаган бўлса, унда ишлаб чиқариш ҳажмининг қиймат ифодаси юзага келган сотиш нархларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

III. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми шаклланишининг ахборот манбалари

12. Саноат бўйича статистик маълумотлар қуйидагилар асосида шакллантирилади:

а) саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи юридик шахсларнинг давлат статистика ҳисоботлари (ойлик, йиллик) маълумотлари асосида;

б) кичик корхоналар, микрофирмаларнинг чораклик танланма кузатувлари натижалари асосида;

в) ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларининг чораклик танланма статистик кузатув маълумотлари;

г) уй хўжаликлари кузатуви материаллари.

13. Йилда бир маротаба, тижорат ташкилотлари, фермер хўжаликлари, нотижорат ташкилотларининг давлат статистика ҳисоботлари, кичик тижорат корхоналари ва микрофирмаларнинг соддалаштирилган ҳисоботлари, ҳисобот даврида тугатилган кичик тадбиркорлик субъектларининг саноат фаолиятини баҳолаш, саноат маҳсулотлари (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш қисмида уй хўжалиги фаолиятини баҳолаш асосида, саноат ишлаб чиқариш умумий ҳажми тўғрисидаги аниқлаштирилган маълумотлар шакллантирилади.

14. Ҳисобот йилида тугатилган кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини баҳолаш, ушбу корхоналарнинг ўтган йилдаги ишлаб чиқарган саноат маҳсулотлари (ишлар, хизматлар) ҳажми тўғрисидаги маълумотлар асосида амалга оширилади.

Тугатилган кичик тадбиркорлик субъектларининг чораклик ишлаб чиқариш ҳажми қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$V_{ki} = \left[\frac{V_y}{V_p - V_y} \right] * V_s$$

бунда, V_{ki} – ҳисобот йилининг i -чорагида тугатилган кичик тадбиркорлик субъектларининг саноат ишлаб чиқариш ҳажми;

V_y – ҳисобот йилида тугатилган кичик тадбиркорлик субъектларининг ўтган йилдаги саноат ишлаб чиқариш ҳажми;

V_p – кичик тадбиркорлик субъектларининг ўтган йилдаги саноат ишлаб чиқариш умумий ҳажми;

V_s – жами жамланмага тарқатилган ҳисобот йилининг i -чорагидаги танланма кузатувлар маълумотлари.

15. Ҳар чоракда саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми қуйидагилар асосида шакллантирилади:

а) йирик тижорат ташкилотлари бўйича давлат статистика ҳисоботлари;

б) кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг чораклик кузатувлар маълумотлари бўйича саноат ишлаб чиқариш ҳажмини, тугатилган корхоналарнинг ҳажмини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш;

в) бошқа юридик шахслар (саноат фаолиятини амалга оширувчи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари, фермер хўжаликларини қўшган ҳолда, нотижорат ташкилотлари), уй хўжаликлари ва якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқариш фаолиятининг саноат ишлаб чиқариш ҳажмини баҳолаш.

16. Ҳар ойлик саноат ишлаб чиқариш ҳажми, тезкор тарзда, йирик тижорат ташкилотларининг ҳисобот маълумотлари, бошқа юридик шахслар, (саноат фаолиятини олиб боровчи кичик корхоналар ва микрофирмалар, қишлоқ хўжалигида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар, фермер хўжаликларини қўшган ҳолда) якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлар ва уй хўжаликларида саноат ишлаб чиқариш фаолияти асосида шакллантирилади.

17. Саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажми тўғрисида статистик маълумотларни шакллантириш схемаси услубий низомнинг 1-иловасида кўрсатилган.

IV. Кичик тадбиркорлик субъектлари ва носаноат ташкилотларининг саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари

18. Кичик корхоналар ва микрофирмаларининг ойлик саноат ишлаб чиқариши ҳажмлари чораклик танланма кузатувлари натижалари асосида қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$V_{ci} = \frac{V_{ki}}{(3 + V_s)} \cdot 3$$

бунда, V_{ci} – i -чорак учун танланма кузатувлар маълумотлари бўйича ҳисобланган кичик корхоналар ва микрофирмаларининг ўртача ойлик ҳажми, тугатилган корхоналар ҳажмини ҳисоблаган ҳолда.

3- бир чоракдаги ойлар сони.

Тугатилган кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг чораклик ишлаб чиқариш ҳажми бўйича ҳисоблаш намунаси услубий низомнинг 2-иловасида кўрсатилган.

19. Кичик корхоналар ва микрофирмалар кузатуви чоракнинг охириги ойида ўтказилишини инобатга олган ҳолда, жорий чоракнинг танланма кузатувлари маълумотлари олингунга қадар, кейинги ҳисобот даврини баҳолашда, кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг ишлаб чиқариш ўртача ойлик ҳажми қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$V_{ci} = \frac{V_{m1}}{3} * I_i$$

бунда, V_{m1} – тузатиш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда жами жамланмага таркатилган ўтган чорак учун танланма кузатув маълумотлари;

I_i – кузатув сўровномасига киритилган иқтисодий ҳолатнинг ўтган йил тегишли даврига нисбатан “яхшиланиш” ёки “ёмонлашиш” баҳолаш кўрсаткичлари асосида ҳисоблаб чиқилган тузатиш коэффициенти.

20. Тузатиш коэффициенти қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$I_i = \frac{I_n}{100} * D_i$$

бунда, I_n – жорий чорак ишлаб чиқариш ҳажмининг ўртача миқдор ўзгариш индекси олдинги уч йилга (фоиз ҳисобида) қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$I_n = \sqrt[3]{I_{n-1} * I_{n-2} * I_{n-3}}$$

бунда I_{n-1} – кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг ўтган йилнинг мос давридаги ишлаб чиқариш ҳажми индекси;

I_{n-2} – кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг 2 йил олдинги йилнинг мос давридаги ишлаб чиқариш ҳажми индекси;

I_{n-3} – кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг 3 йил олдинги йилнинг мос давридаги ишлаб чиқариш ҳажми индекси;

D_i – яқин уч ой даврда фаолиятини яхшилаш истикболлари мавжуд бўлган кичик корхоналар ва микрофирмалар улуши.

Тузатиш коэффицентини ҳисоблаш намунаси услубий низомнинг 3-иловасида кўрсатилган.

Саноат ишлаб чиқаришининг чораклик ҳажмини ҳисоблаш намунаси услубий низомнинг 4-иловасида кўрсатилган.

21. Чоракнинг охирги ойи учун ишлаб чиқариш ҳажми қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$V_3 = (V_{ki} + V_{ci}) - V_1 - V_2$$

бунда, V_3 - чоракнинг охирги ойи учун ишлаб чиқариш ҳажми,

V_1, V_2 - ҳисобот чорагининг биринчи ва иккинчи ойларида ҳисобланган ишлаб чиқариш ҳажми.

22. Кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг саноат фаолияти турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ойлик тақсмоти уларнинг олдинги йил учун йиллик ҳисоботи асосида умумий саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг улуши орқали амалга оширилади.

23. Носаноат ташкилотларининг саноат бўлинмалари, фермер хўжаликлари, нотижорат ташкилотлари томонидан ишлаб чиқарилган саноат ишлаб чиқаришнинг ойлик ҳажми, ўтган йил учун аниқлаштирилган (йиллик) амалдаги маълумотлар асосида, уларнинг саноат ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улушларидан келиб чиққан ҳолда баҳоланади.

V. Уй хўжалигида саноат ишлаб чиқариши ҳажмларини аниқлаш

24. Уй хўжалигида саноат ишлаб чиқариш ҳажми, жисмоний шахслар томонидан сотиш ёки ўз истеъмоли учун амалга оширилган ишлаб чиқариш фаолияти натижаларидан ҳосил қилинади.

25. Уй хўжаликларининг саноат ишлаб чиқариши ҳажми қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$V_{dx} = \sum_{n=1}^m \frac{V_p}{K_{dx}} * D_c * S_i$$

бунда, V_{dx} – уй хўжаликларининг саноат ишлаб чиқариш ҳажми;

V_p – i -товарни қайта ишладан олинган маҳсулот (натура кўринишида);

K_{dx} – кузатилган уй хўжаликлари сони;

D_c – барча (туман, вилоятдаги) уй хўжаликлари сони;

S_i – маҳсулот бирлиги учун харид нархи (бозор нархларида баҳоланади).

Бу маълумотлар, қайта ишлашга берилган маҳсулотларни (гўшт, сут, балик), шунингдек қайта ишлашдан олинган натура кўринишидаги маҳсулотларни (колбаса маҳсулотлари, мол ёғи, пишлок, бринза, ўсимлик ёғи, гўшти ва гўшти-сабзавотли консервалар, сабзавот консервалари, мева консервалари, қуритилган сабзавотлар, қуритилган мевалар, ун, нон ва нон маҳсулотлари, қандолат маҳсулотлари, макарон маҳсулотлари, тузланган, қуритилган балик, мураббо, вино) ҳисобга олади.

Шу билан бирга, қайта ишлашга юборилган ва қайта ишлашдан олинган маҳсулот қайта ишлашга берилган ва қайта ишланаётган вақтдаги бозор нархларида баҳоланади.

26. Жисмоний шахсларнинг ишлаб чиқариш ҳажмларини ҳисоблашда Давлат статистика қўмитаси томонидан ўрнатилган якка тартибдаги тадбиркорлар сони бўйича сўровнома кузатуви, солиқ органлари маълумотлари бўйича, ҳисобот даврида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар сонидан келиб чиқиб ўтказилади.

Ҳисоб-китоблар қуйидаги алгоритм бўйича амалга оширилади:

$$V_{ip} = \sum_{n=1}^m M_s$$

бунда, V_{ip} – якка тартибдаги тадбиркорларнинг бир ойда саноат ишлаб чиқариш ҳажми;

M_s – ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари сони;

m – ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бир ойлик ҳажми;

27. Давлат статистика қўмитаси томонидан ўрнатилган якка тартибдаги тадбиркорлар сони бўйича сўровнома кузатуви, солиқ органлари маълумотлари бўйича, ҳисобот даврида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар сонидан келиб чиқиб ўтказилади.

Маълумот учун фойдаланилган ахборотлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг давлат стандарти O'zDSt 2914:2014//Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичи (МСК), “Ўзстандарт” Агентлиги томонидан 2015 йил 19 январдаги 05-612-сон қарор билан тасдиқланган.


2. Қайта ишлашга берилган хом ашё билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом, (2010 йил 15 мартдаги 2086-сон билан рўйхатга олинган).

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сонли “Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

4. Международные рекомендации по статистике промышленности, 2008г. //Департамент по экономическим и социальным вопросам ООН, серия М №90 //Нью-Йорк, 2010 г.

5. Система национальных счетов 2008//Европейская комиссия, Международный валютный фонд, Организация экономического сотрудничества и развития, Организация объединенных наций, Всемирный банк//Нью-Йорк, 2012 г.

Саноат бўйича статистик маълумотларнинг шаклланиши схемаси



Тугатилган кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг чораклик ишлаб чиқариш ҳажми бўйича 2021 йилнинг 2-чораги учун ҳисоблаш намунаси

Шартли намуна

Шартли намуна	Амалдаги нархларда саноат ишлаб чиқариш ҳажми, млрд.сўм
V_y - 2021 йилда тугатилган кичик тадбиркорлик субъектларининг 2020 йил учун саноат ишлаб чиқариш ҳажми	64,0
V_p - ўтган йил учун кичик тадбиркорлик субъектларининг саноат ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми	1280,9
V_s -- жами жамланмага тарқатилган i -чораги учун 4-саноат шакли бўйича танланма кузатувлари маълумотлари	382,2
V_{ki} -- ҳисобот йилидаги i -чорак даврида тугатилган кичик тадбиркорлик субъектларининг саноат ишлаб чиқариш ҳажми	$20,1 = [64,0 : (1280,9 - 64,0)] \times 382,2$

Саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми қиймати баҳолаш бўйича услубий низомига

3-ИЛОВА

2021 йилнинг 2-чораги учун кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг саноат ишлаб чиқариши ҳажмини аниқлаш учун тузатиш коэффициентини ҳисоблашнинг шартли намунаси

Кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг 2-чорақдаги ишлаб чиқариш ҳажмини 1-чорақка нисбатан ўзгариши индекси	Саноат ишлаб чиқариши ҳажмини тўлдирган кичик корхоналар ва микрофирмалар сони (4-қў кўзатиш 2021 й. 1 чораги учун)			Яқин уч ой даврда фаолиятини яхшилаш истиқболлари мавжуд бўлган кичик корхоналар ва микрофирмалар улуши	Тузатиш коэффициенти
	2018 й.	2019 й.	2020 й.	шулардан, яқин уч ой даврда фаолиятини яхшилаш истиқболлари мавжуд бўлганлари	
Ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришини ўртача геометрик қиймати	125,3	124,5	127,6	1093	0,97 = 1060:1093
Жами саноат бўйича	125,3	124,5	127,6	1060	1,22=125,8:100 x 0,97

**Кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг 2021 йил 2-чорак учун фаолият турлари асосида
чораклик саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш бўйича шартли мисол**

млн.сўм

	2020 йилда саноатдаги фаолият турлари бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг саноат ишлаб чиқариш ҳажми, %	Йиллик статистика ҳисоботи маълумотлари бўйича маҳсулот сотишдан тушуми мавжуд кичик корхоналар ва микрофирмалар бўйича маълумот (1-кб шакли)			Кузатув йилида янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирма- ларнинг саноат ишлаб чиқариш ҳажми (4-кб саноат категорияси)	2021 йил 2-чораги учун кичик корхоналар ва микрофирма- ларнинг саноат ишлаб чиқариши ҳажми (тузатиш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда)
		ушбу кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг саноат ишлаб чиқариш ҳажми	тузатиш коэффициенти	аниқлаштирилган саноат ҳажми (тузатиш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда)		
A	1	2	3	4	5	6
Саноат - жами		312843,5	1,22	381669,1	530,2	382199,3
Тоғ-кон саноати ва очик конларни қазниш	100,0	16803,2	1,22	20499,9		20499,9
Тоғ-кон саноатининг бошқа фаолияти	100,0			20499,9		20499,9
Ишлаб чиқарадиган саноат	100,0	293053,5	1,22	357525,3	530,2	358055,4
Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	13,6	-	-	48623,4	130,2	48753,6
Ичимликлар ишлаб чиқариш	9,8	-	-	35037,5	37,0	35074,5
Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	9,9	-	-	35395,0	30,0	35425,0
Кийим ишлаб чиқариш	10,6	-	-	37897,7	155,0	38052,7
Тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	8,7	-	-	31104,7	53,0	31157,7
Ёғоч ва пўкак буюмлар (мебелдан ташқари), похол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш	3,0	-	-	10725,8	-	10725,8
Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1,4	-	-	5005,4	-	5005,4
Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш	8,1	-	-	28959,5	-	28959,5

	2020 йилда саноатдаги фаолият турлари бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг саноат ишлаб чикариш ҳажми, %	Йиллик статистика ҳисоботи маълумотлари бўйича маҳсулот сотишдан тушуми мавжуд кичик корхоналар ва микрофирмалар бўйича маълумот (1-қб шакли)				Кузатув йилида янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирма- ларнинг саноат ишлаб чикариш ҳажми (4- қб саноат кузативи)	2021 йил 2-чораги учун кичик корхоналар ва микрофирма- ларнинг саноат ишлаб чикариши ҳажми (тузатиш коэффициентини хисобга олган ҳолда)
		ушбу кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг саноат ишлаб чикариш ҳажми	тузатиш коэффициенти	аниклаштирилган саноат ҳажми (тузатиш коэффициентини хисобга олган ҳолда)			
Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чикариш	5,8	-	-	20736,5	-	20736,5	
Бошқа нometалл минерал маҳсулотлар ишлаб чикариш	7,8	-	-	27887,0	-	27887,0	
Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чикариш	3,6	-	-	12870,9	-	12870,9	
Электр ускуналар ишлаб чикариш	3,2	-	-	11440,8	-	11440,8	
Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чикариш	2,5	-	-	8938,1	-	8938,1	
Мебел ишлаб чикариш	1,4	-	-	5005,4	125,0	5130,4	
Бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чикариш	1,5	-	-	5362,9	-	5362,9	
Машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш	9,1	-	-	32534,7	-	32534,7	
Электр таъминоти, газ, буғ узатиш ва хаво ҳароратини бир хилда сақлаш	100,0	2986,8	1,22	3643,9	-	3643,9	
Электр таъминоти, газ, буғ узатиш ва хаво ҳароратини бир хилда сақлаш	100,0	-	-	3643,9	-	3643,9	
Сув билан таъминлаш, канализация, чкиндиларни йиғиш ва қайта фойдаланиш	100,0	1870,0	1,22	2281,4	-	2281,4	
Сув билан таъминлаш, канализация, чкиндиларни йиғиш ва қайта фойдаланиш	100,0	-	-	2281,4	-	2281,4	